

Дилшодабону АБДУНАБИЕВА

Ҳавас

**МУНАВВАР
ОЛАМ**




«Наманган» нашриёти
2006

84(54)6-5 - Ўзбек адабиёти асарлари
- Шеърлар.

Дилшодабону Абдунабиева. Бу ном шеърият бўстонида энди пайдо бўлди. Дилшоода дардли шоира. У кичик кўнглига оламча дардни жойлаб олган. Хусусан шеър дарди уни ухлагани қўймайди.

Бу ном бугун пайдо бўлиб эрта ғойиб бўладиган ном эмас деб умид қилишга асосимиз бор.



III 563 - 115039,5 - 1328650 2(и)ж

564 - 2,0 - (08) - 06

© Дилшодабону Абдунабиева. «Наманган» нашриёти.

32578
Ю 0

ЎЗБЕГИМ

Ўзбегимнинг ори бор,
Иштиёқи дилида.
Белида белбоғи бор,
Ширин сўзи тилида.

Ўзбегимнинг қизлари,
Нафосатда яғона.
Гўзал, лобар, малакдир,
Ёмонликка бегона.

Ўзбегимнинг ўзлигин,
Англаган бир кунни бор.
Энди озодсан, ҳурсан,
Кулар бағрингда баҳор!

Ўзбегимнинг шухрати,
Кезди олам, кезди юрт.
Элим, юртим бирлашиб,
Шу шухратни маҳкам тут.



МУНИСИМ ОНАМ

*Қалбимга муҳаббат уригин сепиб,
Тунлари мени деб уйқудан кечиб.
Бошимда парвона туради онам,
Кўзларин йўлимга тутади онам.*

*Баъзан омад кетиб, гам тушса бошга,
Дўстлар ярамаса ҳолим сўрашга.
Кўз ёшим артгувчи яна шу онам,
Қўлимдан тутгувчи яна шу онам.*

*Она, қалбингизда тоғдай бардош бор,
Нурли чехрангизда гўё қуёш бор.
Йўлимни ёритиб тинмайсиз ҳеч ҳам,
Дунё турғунича тулинг, мунисам.*



БОЛАЛИГИМ

*Болалигим – шўхлигим менинг,
Орзуларга тўқлигим менинг.
Ғам дунёси йўқлигим менинг,
Сендан олис кетгим келмайди.*

*Қучоғингда яйрайман ҳар дам,
Етти жуссам бақувват, бардам.
Ғар йиғласам, мададкор, малҳам,
Сендан олис кетгим келмайди.*

*Билим олиш сендан бошланар,
Юрагимда орзулар ёнар.
Борлигим лиқ қувончга тўлар,
Сендан олис кетгим келмайди.*

*Болслигим – шўхлигим менинг,
Орзуларга тўқлигим менинг.
Ғам дунёси йўқлигим менинг,
Сендан олис кетгим келмайди.*



ЮЛДУЗИМ

Ой сузади осмонда,
Юлдузлар дур сочади.
Булутлар кетиб олис,
Само багрин очади.

Нигоҳларим қадалган,
Менинг битта юлдузга.
Қани энди айланса,
Шу юлдуз мендай қизга.

Кўнглимдагин сезгандай,
Кулиб айлар ишорат.
Бир кун юлдуз бўлишим,
Қилар балки башорат.

Ой сузади осмонда,
Юлдуз ёғду сочади.
Булутлар кетиб олис,
Само багрин очади.



КАМАЛАК

Ёмғир ёғиб, қуёш қулганда,
Осмон бўлар мусаффо кўркам.
Камалакнинг етти рангидан,
Яна гўзал кўринар ўлкам.

Болажонлар қувончи чексиз,
Яйрашади айтишиб кўшиқ.
Байрам бўлиб кетади шу кез,
Камалакжон, кўкка ҳар кун чиқ!

ТОВУС

Келинчакдек эғиб бош,
Қанот ёзар оҳиста.
Сингиб танага қуёш,
Нур таратар бир наста.


Боши узра ярқираб,
Тожи ял-ял товланар.
Кўз олдингда, воажаб,
Қуш парига айланар.

ТОНГ

Қуёш кулиб чиқади,
Эзгулик нурин сочиб.
Тонг отар диёримда,
Иссиқ қучоғин очиб.

Шабнамда юзин ювар,
Қувониб майса, гуллар.
Қушларнинг хуш хониши,
Кўнгилга илҳом берар.

Яна эзгу ишларга,
Кўриб қолдик тадорик.
Янги кун қутлуг, элим,
Мунаввар тонг муборак!



ОТАЖОН

*Уйимизнинг посбонисиз,
Маслаҳатгўй, гамхўри.
Дардкашимиз, дармонимиз,
Оиламиз гурури.*

*Меҳнаткашу тўғрисўз,
Ҳалол ва мард инсонсиз.
Ҳар қадам ўйлаб бизни,
Юрган чин меҳрибонсиз.*

*Бахтимга бўлинг омон,
Доим юринг ёнма-ён.
Бошимизда давлатсиз,
Фахримизсиз отажон.*

ШОИРА ОПАМГА

*Гоҳида шеърингиз ўқиб йиглайман,
Гоҳ эса, кулгудан ўзим тиймайман.
Шоира опажон, қўлингиз тутиб,
Назм бўстонига боқиб тўймайман.*

*Бир боғки, дилларни этгай чарогон,
Бир боғки, йўлларинг қилгай нурафшон.
Насиб бўлармикин Сиз каби унга,
Ташриф баюрмоқлик бир лаҳза, бир он.*

*Агар шу гулзорга бир дона гулни,
Экиб парваришлаб, чоғ этсам дилни.
Мендан-да бахтиёр инсон бўлмагай,
Опажон, йўл бошланг, узатинг қўлни.*

МУАЛЛИМ

*Илм боғига боғбон,
Қарвонлар узра сарбон.
Ўзинг – нурчи, чароғбон,
Азиз устоз муаллим.*

*Илк бора қўлим тутган,
Алифбони ўргатган.
Тўғри йўлни кўрсатган,
Доно устоз муаллим.*

*Эзгуликка йўлладинг,
Бийрон – бийрон сўйлатдинг.
Билим нурин таратдинг,
Соғ бўл устоз муаллим.*



ҚАЙДАСИЗ?

Акмал акам хотирасига.

*Меҳнатдан ҳеч қочмаган,
Ишлаб сира толмаган.
Ота меҳрин тотмаган,
Акмал акам, қайдасиз?*

*Мард, баҳодир ва чаққон,
Ҳаётга тикка боққан.
Чехрасидан нур оққан,
Акмал акам қайдасиз?*

*Элнинг гамида елган,
Кўзида қуёш кулган.
Суюнчик, таянч бўлган,
Акмал акам қайдасиз?*

*Барчага тенг меҳри бор,
Бўлсин сизга Аллоҳ ёр.
Қабри узра бизни зор,
Йиглатганим, қайдасиз?*

КУЗ

*Куз келса, олтин рангда,
Товланади богу рог.
Изгирин чимчиб тананг,
Ерга бош қўяр япроқ.*

*Ёмғир ёғар шариллаб,
Богу бўстон, тоғларга.
Қушлар кетар бош олиб,
Узоқ-узоқ ёқларга.*

*Йўлакларга хазонлар,
Гидам янглиг тўшалар.
Куз керилиб мардона,
Қир ошар, адир ошар.*

*Табиатда куз, лекин,
Кўнгилда яшнар баҳор.
Хазон билмай куну тун,
Яшнайти она – диёр.*

ЗИЛОЛ СУВ

*Ташна бўлсак, қондириб,
Меҳр чашманг тутасан.
Сен – ҳаётнинг манбаи,
Кўнгилни шод этасан,
Зилол сув.*

*Лекин баъзан покиза,
Бағринг тиламиз тоза.
Чиқиндилар соламиз,
Қадринг билмай қоламиз,
Зилол сув.*

*Томчинг тиллога тенгдир,
Сенсиз ҳолимиз тангдир.
Дўст бўламиз тоабод.
Юртимиз сен-ла обод,
Зилол сув.*



ОҲ АЁЛЛАР!

*Аёл деса, жаннатнинг,
Уфурар гўё иси.
Улар ҳусну одобда,
Ягона ҳам тенгсизи.*

*Аёл бор - қалби ўтли,
Шижоатли, шиддатли.
Аёл бор – гуллар мисол,
Нафису нозик ниҳол.*

*Аёл бор - ўз қадрини,
Ўзи тупроққа қорган.
Аёл бор – ўз шаънини,
Осмон қадар кўтарган.*

*Аёлдай бўлсин аёл,
Гул каби очсин жамол.
Бахтимизга ҳаммаси,
Соғ бўлсин, топсин камол.*



БИРЛАШГАН ЎЗАР

*Дерлар: бирлашган ўзар,
Бирлашмаган тўзадир.
Қайда бирлик бўлмаса,
У – бўшаган кўзадир.*

*Бирлик бошлар муродга,
Бахтга элтар йўллари.
Мақсад агар бир бўлса,
Ҳеч толмагай қўллари.*

*Ниятимиз ягона:
Ватанга содиқ бўлмоқ.
Керак бўлса, унинг чун,
Ҳатто жон фидо қилмоқ.*

*Йўлимиз ҳам дилимиз,
Карвонимиз биттадир.
Мустаҳкам бирлигимиз,
Демакки, ёвлар надир?*

ҚҰРҚМА ҚУЁНЧАМ

*Шалпанғулоқ қуёним,
Дик-дик сакраб юрасан.
Сабзи қайда бұлмасин,
Даров толиб оласан.*

*Шунча маккор бұлса ҳам,
Алдаёлмай лол тулки.
Бўри қувиб, етолмай,
Бўлар калака, кулки.*

*Қўрқув нима билмайсан,
Сакрайвергин, қувнагин.
Мендай содиқ дўстинг бор,
Ҳеч хавотир олмагин.*



ЎРИК ГУЛИ

*Оқ ўригим гуллади,
Гулларида сеҳр бор.
Ким ҳасадни билмади,
Унга доим омад ёр.*

*Ўрик гули гўзаллик,
Нафосатнинг белгиси.
Ўрик гули мисоли,
Ўзбекнинг гулгун қизи.*



ҚИШ

Қишнинг завқи ўзгача,
Ўйнаб – кулади барча.
Шошилиб жоним ҳалак,
Ҳамма учар яхмалак.

Қарга тинмай қагиллар,
Пага-пага қор ёғар.
Безаниб олар арча,
Гўё кўкда Ойпарча

Қийқиришиб шўх-шодон,
Ўйнаб қолгин, болажон.
Келгуси қишгача то,
Топилмагай қор асло.



ТУН

Тун зулмати фалакка,
Қора либос кийдирди.
Сўнгра юлдузлар сочиб,
Унга ойни илдирди.
Оҳиста кўзим юмдим,
Кўкдан имлар оймомо.
Ажиб эртақлар айтиб,
Эркалар мени само.
Назаримда юлдузлар,
Дегандай: Эй қизалоқ,
Сен учун бирдай азиз,
Еру само - қўшалоқ.
Ватан меҳрини тўйгил.
Унга вафодор бўлгин.
Тупрогин суриб кўзга,
Порлоқ келажак қургин,
Шу он ушбу сўзларнинг,
Маъносини англадим.
Шу Ватанга, шу элга,
Жоним фидодир, жоним.



МУШУГИМ

*Мушугим исми Бароқ,
Бошин эгиб туради.
Сичқонни пойлаб гох-гоҳ,
Томда мағрур юради.*

*Тирноги узун-узун,
Мўйлаби майин бироқ.
Кўрмоқчи бўлсанг агар,
Уйимизга кел, ўртоқ.*




БАҲОР

Келинчакдек бўлиб ораста,
Кириб келди ўлкамга баҳор.
Этагида бир тўп гулдаста,
Қадамидан яшнайди диёр.

Қалдиргочлар илдам, жонсарак,
Бойчечакнинг чехраси хандон.
Баҳор! Аёл! Асли эгизак,
Байрамингиз қутлуг, онажон.

Ўткинчидир демангиз фақат,
Деманг: уни уч ойлик ҳамкор.
Юракларда бўлса муҳаббат,
Мангу эрур фасли Навбаҳор.



ТИЛАК

Тилагим шу: дунёда,
Барча бахтли яшасин.
Ким кимга дўст бўлса гар,
Асл дўстга ўхшасин.

Бўлмасин фисқу фасод,
Дарз кетмасин дўстликка.
Эзгулик деган уйга,
Бўлайлик яхши бека.

Қалбимиз нурга тўлсин,
Қуёш кулсин ҳамиша.
Олам яхшига бўлсин,
Дўстгинам, яйраб яша!



ДУНЁ

*Дунё, сенинг яхши-ёмон кунинг кўп,
Югурик кундузинг, бедор тунинг кўп.
Ўн бешинг қоронги, ўн бешинг ёруғ,
Гоҳ сахий, гоҳ хасис сенга таъриф йўқ.*

*Дунё, ишларингга лол қолгум гоҳо,
Ёмонга сездирмай берасан жазо.
Адолатинг бор-да яхшига бир кун,
Яхши кунларингни кўрасан раво.*

ЯХШИЛИК

*Умр оқиб кетар дарё сувидек,
Ортга боқмоққа ҳам топмаймиз имкон.
Вақтимиз етмайди, доим шошамиз,
Юлдузни ургудек гўё бенарвон.*

*Ўзи нима қилдик? Қайси юмушнинг,
Уддасидан чиқдик тўла ва текис.
Кўнглин чоғ айладик қайси хомушнинг?
Асли шу саволдан қочиб юрамиз.*

ДАРД

*Тонг отар,
Қуёш ботар.
Тун келади ортидан.
Менинг мунисим онам,
Қайга қочсин дардидан.*

*Юлдуз чиқар,
Ой чиқар.
Тинар бутун мавжудот.
Лекин онам қалбида,
Тинмайди алам, фарёд.*

*Кун келади,
Ой кулар.
Менинг онам кулмайди,
Лекин пинҳон кўз ёшим,
Яширмасам бўлмайди.*

*Тилим толмас дуодан,
Ўзи кўнглим билади.
Мен онамга Худодан,
Йиглаб умр тиладим.*

ШАМОЛЖОН

Эй шамолжон, шамолжон,
Бунча тез-тез еласан.
Гоҳ ёқимли, гоҳ ноҳуш,
Қай юртлардан келасан.

Тогда олма юзини
Силаб ўтган сенмидинг.
Қайтаётиб булбуллар,
Қулогига не дединг.

Шўхлик қилиб боғларда,
Меваларни узибсан.
Беайб мусичаларнинг,
Уйларини бузибсан.

Эҳ, шамолжон, шамолжон,
Шўхлик қилма бундайин.
Сендан ҳузур топар жон,
Нозик елганинг сайин.



ТОПИШМОҚ

*Сизга айтай топишмоқ,
Юролмайдди, турмайдди.
Ҳаттоки қўллари йўқ,
Жони бор деб бўлмайдди.*

*Аммо ичи хазина,
Гоҳ йиғлатар кулдирар.
Агар меҳр қўйсангиз,
Сизни элга сўйдирар.*

*Очсанг кони ҳикматдир,
Кўнгилга малҳам бисёр.
Уни қўлдан қўймасак,
Омад бўлар бизга ёр.*

*Қани, қани, айтинг-чи,
Унинг номи нимадир.
Ўйлаб топинг дўстларим,
Ташлаб қўйдим сизга сир.*

(дошнў)



ВАТАН

*Ватан меҳринг туяман,
На қониб, на тўяман.
Боқиб кўрку ҳуснингга,
Яйраб - яйраб қўяман.*

*Кимдир сенга жон тутар,
Кимдир соғинчада ўтар.
Қадринг билмас нотафон,
Нокаслардан қуяман.*

*Бурчим улуг қошингда,
Хумо бўлай бошингда.
Юз жон бўлса сеники,
Сени жондан суюман.*



АЛЛА СЕҲРИ

*Осмон сокин, юлдузлар ёнар,
Еллар сочим силайди аста.
Кўзим очдим. Боқсам уйғониб,
Алла айтар онам, дилхаста.*

*Онажоним, жоним, жаҳоним,
Меҳрингизни қучиб яшарман.
Бир кун келар пойингизга мен,
Алвон-алвон гуллар тўшарман.*

ЁМГИР ЁҒАР

*Ёмғир ёғар, ёғар шигалаб,
Ювар кўнглим губорларини.
Босолмайди дарёлар, сойлар,
Шу ёмғирнинг хуморларини.*

*Ёмғир ёғар, яйрар майсалар,
Гуллар юзин тутар мастона.
Ҳамма масту аласт кўринар,
Гўё шу дам дунё майхона.*



МЕҲНАТ – РОҲАТ

*Ҳовлимнинг ўртасида
Ажиб бир бог яратдим.
Нафис гуллардан эксам,
Хуш бўйларин таратди.*

*Кўриб кўзим қувнайди,
Дилим тўлар роҳатга.
Меҳнат қилсанг, албатта,
Етаклар саодатга.*

*Ҳовлимизга келганлар,
Алқайди гул экканни.
Кўнглим яйрар гурўрдан,
Роҳати шу эканми?!*

*Меҳнат ва ўқиш билан,
Юртим тузинг оқлайман.
Кун келади богингга,
Ҳеч сўлмас, гул қадайман.*



ИЙМОН

*Иймон нима, десам дўст,
Ҳали ёшман, демагин.
Ўйнаб қол ёшлигингда,
Кўпам шошма, демагин.*

*Оқ сўт билан кирар у,
Чиқар чиқса жон билан.
Ҳаёт ҳаётдир асли,
Яшасанг иймон билан.*

*Иймон – муҳаббат, поклик,
Файрат ҳаё, эътиқод.
Ростгўйлик, ору номус,
Кўнгилни қилар обод.*

НАВРЎЗ КЕЛДИ

*Наврўз келди, баҳоройни йўқлагани,
Руҳимизни, кўзимизни тўқлагани.
Илҳом келар мурғаккина юрагимга,
Кечалари қўймас мени ухлагани.*

*Хуш келибсан, қадамларинг қутлуғ келсин,
Бу кунларга ҳар ким дили ўтлиғ келсин.
Шеър айтаман Наврўз сени мадҳинг этиб,
Ғафлатдаги юракларни чўғлагани.*

МУНДАРИЖА

Ўзбегим	3
Мунисим онам	4
Болалигим	5
Юлдузим	6
Камалак	7
Товус	7
Тонг	8
Отажон	9
Шоира опамга	9
Муаллим	10
Қайдасиз	11
Куз	12
Зилол сув	13
Оҳ аёллар	14
Бирлашган ўзар	15
Қўрқма қуёнчам	16
Ўрик гули	17
Қиш	18
Тун	19
Мушугим	20
Баҳор	21
Тилак	22
Дунё	23
Яхшилик	23
Дард	24
Шамолжон	25
Топишмоқ	26
Ватан	27
Алла сеҳри	28
Ёмғир ёғар	28
Меҳнат – роҳат	29
Иймон	30
Наврўз келди	30

Дилшодабону АБДУНАБИЕВА

МУНАВВАР ОЛАМ
Шеърлар

Мухаррир: ДИЛОРОМ
Тех.муҳаррир: Ғ. МУЛЛАБОЕВ
Мусаҳҳиҳ: С. ЯҲЎЕВ
Компютер оператори: А. ТОШХОЖАЕВ



Теришга 26.08.2006 йилда берилди. Босишга 28.09.2006 йилда рухсат этилди. Оқ қоғозига офсет усулида чоп этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 2,0 босма табоқ. Адади 1000 нусха. Буюртма № 618. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 36-уй, 3-қават.

«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.